

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Yu/74.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ДУМАЕВ ФАЙЗУЛЛОХОН СУВАНХАНОВИЧ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА АМНИСТИЯ АКТИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ
ПРОЦЕССУАЛ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-кидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Думаев Файзуллохон Суванхонович

Жиноят процессида амнистия актини қўллашнинг процессуал механизмини
такомиллаштириш масалалари.....3

Думаев Файзуллохон Суванхонович

Вопросы совершенствования процессуального механизма применения акта
амнистии в уголовном производстве.....23

Dumaev Fayzulloxon Suvanxanovich

Issues of improving the procedural mechanism for the application of amnesty in
criminal proceedings.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....48

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.32/30.12.2020.Yu/74.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ДУМАЕВ ФАЙЗУЛЛОХОН СУВАНХАНОВИЧ

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА АМНИСТИЯ АКТИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ
ПРОЦЕССУАЛ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Үу120 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) «Ziynet» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Астанов Истам Рустамович
юридик фанлар доктори, профессор


Расмий оппонентлар: Закурлаев Абдумугал Каримович
юридик фанлар доктори, профессор
Таджибаева Альбина Юлдашбаевна
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)


Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc32/30.12.2020.Үу/74.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «18» июль соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100211, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50; mgjxu@umail.uz).


Диссертацияси билан Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2297 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100211, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Чорсу кўрғони. Тел.: (99871) 230-32-71; факс: (99871) 230-32-50.

Диссертация автореферати 2022 йил «5» июль куни тарқатилди.
(2022 йил «4» июль даги 4 рақамли реестр баённомаси).




М.Х.Рустамбаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор


Ш.М.Газиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, доцент


М.Б.Усмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертациянинг долзарблиги ва зарурати. Дунёда, бугунги кунда, жуда катта ҳажмдаги амнистияни тартибга солувчи ва уни қўллаш чегараларини белгилаб берувчи халқаро нормалар тўплами мавжуд. Қонунларга мувофиқ, амнистия жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахсларга иккинчи имконият беради, уни қўллашга оид халқаро ҳуқуқнинг турли манбалари бўйича давлатларга тегишли мажбуриятлар юклайди.¹ Лекин шунга қарамай, дунёда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бузилиши уларнинг амнистияга бўлган ҳуқуқларини чекланиши ҳолатлари кузатилмоқда. Ушбу ҳолатларни олдини олиш, ушбу институтга оид нормаларни қўллаш даражасини ошириш мақсадида мамлакатлар ўзларининг амнистияга оид миллий қонунларини қабул қиладилар. Статистик маълумотларга қараганда, дунёда иккинчи жаҳон уруши тугаганидан бошлаб бугунги кунга қадар тахминан 130 та давлатда 506 та амнистия тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган.² Шунинг учун ҳам амнистия актига оид қонунчиликнинг мавжудлиги унинг ўз вақтида ва ўз ўрнида қўлланилиши ҳамда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилинишини янада кафолатлашга хизмат қилади.

Жаҳонда амнистия актини қўллаш, авф этиш институти билан амнистияни қўллашдаги ўхшашлик ва фақрли жиҳатларни ўрганиш, амнистия акти қўлланилгандан кейин жиноят жабрланувчиси бўлган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини қайта тикланишини таъминлаш, амнистия акти қўлланувчилар доирасини белгилашда тенглик, адолатлилик принципларига амал қилиш, амнистия актини қўллашга оид қонунчиликни шакллантиришга оид илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Амнистия институтига оид қонун нормаларини такомиллаштириш, амнистия актини қўллаш доирасини кенгайтириш, амнистия актини қўлланилишини таъминлашнинг янги механизмларини жорий қилиш, амнистия актини қўллаш тартибини такомиллаштириш, жиноят процесси иштирокчиларининг амнистия акти қўллашдаги ҳуқуқлар тенглигини кафолатловчи миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида учрайдиган процессуал муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш соҳасида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Республикамизда суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кафолатлашга оид ислохотлар амалга оширилмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сонли Фармонининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 8-бандида маҳкумларга нисбатан

¹ Механизмы обеспечения верховенства права для постконфликтных государств амнистии. Управление Верховного комиссара организации Объединенных Наций по правам человека. Нью-Йорк и Женева, 2009 год. С. 5. (https://www.ohchr.org/documents/publications/amnesties_ru.pdf).

² https://www.researchgate.net/publication/228214698_Global_Comparison_of_Amnesty_Laws.

амнистия ва авф этиш шаклидаги инсонпарварлик актларини қўллаш тартибини такомиллаштириш назарда тутилган.³ Демакки, давлат даражасида амнистия институтини такомиллаштириш масаласи муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан қабул қилинган 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилашга оид 14-мақсадида жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Тараққиёт стратегиясига мувофиқ, жиноят-процессуал кодексининг янги лойиҳаси тайёрланиб, унда амнистия актини қўллаш тартибига оид алоҳида бир боб ажратилиб, суд томонидан ҳукм, ажримни ижро этишда кўриб чиқиладиган, ҳукмни чиқарган суд ҳал қиладиган масалалар жумласига амнистия актини қўллашни киритиш, амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлганда уни қўллаш тўғрисидаги ариза судгача бўлган исталган босқичида берилиши мумкинлиги, амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда гумон қилинувчининг, айбланувчининг аризаси ҳамда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборилиши киритиш каби инсон ҳуқуқларини қадрият даражасига кўтарадиган нормалар киритилмоқда. Бу эса, амнистия актини қўллаш ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришда давом этиш, амнистия актини қўллашни ўзида акс эттирган халқаро-ҳуқуқий нормалар, ривожланган мамлакатлар қонунчилигининг илғор жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилишни тақозо этади. Айниқса, судга қадар ва суд босқичида амнистия актини қўллашнинг аниқ мезон ҳамда тартиб-таомилларини жорий этиш долзарб вазифаларидан саналади.

Амнистия актини қўллаш жараёни истиқболлари ушбу институтга оид алоҳида махсус қонун қабул қилиниши, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қоплангандагина ушбу институтни қўллаш механизми жорий қилиш, жинойий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда амнистия актини қўллаш жараёнларини ривожлантиришда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), Жиноят кодекси (1994), Судлар тўғрисидаги қонун (2000), Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июнда қабул қилинган ПФ-6012-сонли Фармонининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли, “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта

³ <https://lex.uz/ru/docs/4872355>

устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан қабул қилинган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси юзасидан қабул қилинган фармонлар ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят процессида амнистия актини қўллаш масалалари мамлакатимиз ва МДХдаги бир қатор олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Хусусан, М.Х.Рустамбаев⁴ амнистия институтининг жиноят ҳуқуқий жиҳатларини, Ғ.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонова, Б.Ҳ.Пўлатов, Ю.С.Пўлатов, Ф.М.Муҳиддинов, С.Саҳаддинов, Г.З.Тўлаганова, У.А.Тўхташева, А.Алламуратов, И.Р.Астановлар мазкур ҳуқуқий институтнинг жиноят-процессуал жиҳатларининг умумий жиҳатларини тадқиқ этишган.

МДХ давлатлари олимларидан Е.В.Скутина, И.А.Васильева, Н.Д.Дурманов, О.С.Зельдова, С.И.Зеяздов, В.Е.Квашис, С.И.Комарицкий, И.Л.Марогулова, А.С.Михлин, П.С.Ромашкин, А.О.Смирновлар ўзларининг илмий-тадқиқот ишларида амнистия институтининг жиноий-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал жиҳатларини ёритиб берганлар.

Амнистияга оид масалалар Yasmin Naqvi, Scharf, P.Michael, H.Mahnoush Arsanjani, Max Pensky ва бошқа бир қатор хорижий ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳам таҳлил қилинган ва уларда амнистия актининг процессуал жиҳатлари, судларда кўриш масалалари таҳлил қилинган.

Таъкидлаш жоизки, амнистияни ва уни қўллаш амалиётини қонуний тартибга солиш масалалари кўпгина муаллифларнинг эътиборини тортган бўлсада, уларнинг аксарияти монографик тадқиқот даражасидаги ишлар эмас, қолаверса, қолганлари ҳам амнистия актларини қўллашга оид замонавий талаблар, халқаро ҳужжатлардан келиб чиқиб уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларини қамраб олмаган ёки ўз миллий қонунчиликларини яъни хорижий мамлакатлар қонунчилигини таҳлил қилиш билан чегараланган. Шу сабабли, жиноят процессида амнистия актини қўллашнинг миллий процессуал механизмини такомиллаштириш масалаларини комплекс тадқиқот қилиш долзарб масала ҳисобланади.

⁴ Ушбу ва бошқа олимларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот ишининг мавзуси “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетидеда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича режаси” доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилиги асосида амнистия актини қўллашнинг процессуал механизмларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигидаги амнистия институтининг юзага келиши ва тадрижий ривожланиш босқичларини ўрганиш;

- Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигидаги амнистия институтининг назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

- жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш асослари ва тартибининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

- амнистия актини қўллаш билан боғлиқ ишларни судда кўриб чиқишнинг процессуал жиҳатларини ўрганиш;

- жиноят ишларининг юқори инстанция судларида кўрилишида амнистия актини қўллаш масалаларини таҳлил қилиш;

- амнистия акти қўлланиладиган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини тадқиқ қилиш;

- жиноят процессида амнистия актини қўллашга доир халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка тадбиқ қилишнинг асосий йўналишларини белгилаш;

- хорижий давлатларда амнистия актини қўллашга доир жиноят процессуал қонунчилигини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш.

Тадқиқот объектини жиноят процессида амнистия актини қўллаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқот предметини жиноят процессида амнистия актини қўллашни тартибга солувчи нормалар, амнистия актини қўллашга оид суд-тергов амалиёти, хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал ва амнистияга оид махсус қонунчилиги қиёсий таҳлили, жиноят процессида амнистия актини қўллашга доир халқаро стандартлар ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суд томонидан ҳукм, ажримни ижро этишда кўриб чиқиладиган ҳамда ҳукмни чиқарган суд ҳал қиладиган масалалар жумласига амнистия актини қўллашни киритиш, амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлганда уни қўллаш тўғрисидаги ариза судгача бўлган исталган босқичида берилиши мумкинлиги, амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда

гумон қилинувчининг, айбланувчининг аризаси ҳамда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юбориш, озодликдан маҳрум этилган шахслар амнистия актини қўллашни сўраб Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда илтимос қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслиги лозимлиги каби тартибларни жорий қилиш лозимлиги тақлиф қилинган;

амнистия актига оид суд ажримининг қарор қисмида прокурорнинг илтимосномасини қисман қаноатлантириш ва ЖПКнинг 83, 84-моддаларида белгиланган бошқа асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш масалаларни ҳал этиш масаласини акс эттириш лозимлиги тақлиф қилинган;

амнистия актига оид суд ажримида прокурорнинг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантиришни рад этиш ҳамда терговга қадар ўтказилган текширув ёки суриштирув материалларини ёхуд жиноят ишини умумий қоидалар бўйича тегишинча терговга қадар текширув ўтказиш ёки суриштирув ёхуд дастлабки тергов ишини юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисида масалаларни ҳал этишни акс эттириш лозимлиги асослантирилган;

суднинг ажримида амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг ҳимоячилари, қонуний вакиллари томонидан хусусий шикоят берилиши ва прокурор томонидан хусусий протести тегишинча апелляция тартибида кўриб чиқилиши лозимлиги асослантирилган;

амнистия иши судларда судья бўлмаган ёхуд илтимосномани кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоят, Тошкент шаҳар судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси белгилайдиган бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилиши асослантирилган;

амнистия актига оид терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини суриштирувчи, терговчи томонидан прокурорга юбориш, амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ариза, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномани судга киритиш тўғрисидаги масалани прокурор томонидан кўриб чиқиш, амнистияга оид суд мажлисини юритиш ва суд ажрими таркибий элементларига оид умумий ва яқунловчи қоидалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

амнистия асослари ва уни қўллаш тартиби тўғрисидаги қонуни лойиҳаси таёрланди ва бу орқали амнистия институтига оид тушунчаларни тўлиқ изоҳлаш, амнистиянинг субъектлар бўйича амал қилиш доираси, жазодан озод қилиш тартиби, амнистия институти тадбиқ этилмайдиган шахслар доираси, жиноят турлари, амнистиянинг қўлланиш муддатлари ва ижро

этилиш тартиби, коллизияларни ҳал қилиш тартибини белгилаш имконияти пайдо бўлиши асослаб берилган;

амнистия актини қўллаш жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар алгоритми ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижасида шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш учун ҳуқуқий асос (амнистия акти) мавжуд, иккинчи томондан, шахсга амнистия актини қўллаш учун ишни ажратиш имконияти мавжуд эмаслиги ҳолатида жиноят ишини алоҳида иш юритувига ажратиб, шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш ва кейинчалик унинг процесда гувоҳ сифатида иштирок этишини таъминлаш мақсадга мувофиқлиги асослантилган;

жиноят процесуал кодексининг амалий қўлланилишини осонлаштириш мақсадида гумондор тушунчасини ЖПКга киритиш, бу шахснинг гумон қилинувчи сифатида ишга жалб қилиш учун асослар етарли эмас, лекин унга амнистия аки қўлланилишига ўзи рози, жиноят содир этганлигини тан олаётган ҳолатда ишни тезлаштириш, осонлаштириш имкониятини ошириши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда миллий ва хорижий қонун нормалари, хорижий мамлакатларда амнистия актини қўллаш тажрибаси, статистик маълумотлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, амнистияга оид 54 та тергов ва суд органлари томонидан қўрилган жиноят ишлари ўрганилган. Таклиф, тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Хулосалар, таклиф ва тавсиялар акс этган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ундаги хулоса ва тавсиялар амнистия акти, тўлиқ амнистия, қисман амнистия каби назарий тушунчаларни ишлаб чиқишга, амнистия актининг мақсадига, қўлланиш доирасига, амал қилувчи шахслар доирасига, юридик моҳиятига, юридик таъсири жиҳатдан такроран қўлланилишига, қўлланилишидаги талабларига кўра тизимлаштириш жараёнини такомиллаштиришга, таҳлиллар натижасида амнистия актининг авф этиш институти билан ўзаро фарқли жиҳатлари аниқлашга оид янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илмий иш натижаларидан жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришда, қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда; Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунини қўллаш амалиётида, шу жумладан, терговга қадар текширув органи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судлар фаолиятида; юридик таълим муассасаларининг ўқув ва илмий жараёнида, хусусан, “Жиноят-процессуал ҳуқуқи” фанидан ўқув машғулотида ўтказишда, шунингдек ўқув, услубий адабиётлар тайёрлашда, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда фойдаланишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноят процессида амнистия актини қўллашнинг процессуал механизмлари бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари қуйидагиларда фойдаланилган:

амнистия актига оид суд ажримининг қарор қисмида прокурорнинг илтимосномасини қисман қаноатлантириш ва ушбу Кодекснинг 83 ва 84-моддаларида белгиланган бошқа асослар бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш масалаларни ҳал этишга оид таклифдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 591-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 23 ноябрдаги 145-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши амнистия актини қўллашда суд ажримида кўрсатиладиган масалалар доирасини кенгайтиришга хизмат қилган;

амнистия актига оид суд ажримининг қарор қисмида прокурорнинг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантиришни рад этиш ҳамда терговга қадар ўтказилган текширув ёки суриштирув материалларини ёхуд жиноят ишини умумий қоидалар бўйича тегишинча терговга қадар текширув ўтказиш ёки суриштирув ёхуд дастлабки тергов ишини юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисида масалаларни ҳал этишга оид таклифдан Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунининг 135-бандига ўзгартириш киритиш орқали Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 591-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 23 ноябрдаги 145-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши амнистия актини қўллашда суд ажримида кўрсатиладиган масалалар доирасини кенгайтиришга хизмат қилган;

суднинг ажримида амнистия актини қўллаш ҳақидаги масала гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг ҳимоячилари, қонуний вакиллари томонидан хусусий шикоят берилиши ва прокурор томонидан хусусий протести тегишинча апелляция тартибида кўриб чиқилиши лозимлигига оид таклифдан Жиноят-процессуал кодексининг 591-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 5 апрель 06/1-06/1918-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши амнистия акти бўйича суд ажримида кўрсатиладиган масалаларни кенгайтиришга хизмат қилган;

амнистия иши судларда судья бўлмаган ёхуд илтимосномани кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоят, Тошкент шаҳар

судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси белгиладиган бошқа тегишли суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилишига оид Жиноят процессуал кодексининг 590-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 5 апрелдаги 06/1-06/1918-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан, мазкур судларнинг судьяси бўлмаган ёхуд илтимосномани кўриб чиқишда унинг иштирокини истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда ишни кўрувчи судьялар доирасини белгилаб бериш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилган;

ҳукми чиқарган суд ҳал қиладиган масалалар ҳамда суд томонидан ҳукм, ажримни ижро этишда амнистия актини қўллаш масаласини ҳам кўриб чиқиш, ҳукм, ажрим эълон қилиниб, у қонуний кучга киргунга қадар, шунингдек ҳукм, ажрим қонуний кучга кириб, у ижрога қаратилгунга қадар амнистия акти қабул қилинган бўлса ҳукм, ажрим чиқарган суд томонидан амнистия акти кучга киргандан бошлаб 5 сутка ичида ҳал қилинишга оид таклифидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг янги лойиҳасининг 648, 649, 655-моддаларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 21 апрелдаги №3/13-0635-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши амнистия институти қўлланиш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилган;

амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлганда уни қўллаш тўғрисидаги ариза судгача бўлган исталган босқичида берилиши, амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда гумон қилинувчининг, айбланувчининг аризаси ҳамда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юбориш, жиноят иши юритишни давом эттириш ҳақида сўровнинг ижроси рад этилиши мумкин бўлган ҳолатларга Ўзбекистон Республикасида айнан шу жиноят учун амнистия акти қўлланилган ёки авф қилинган ҳолда жиноий жавобгарликдан озод этилган бўлиш ҳолатини киритиш, озодликдан маҳрум этилган шахслар амнистия актини қўллашни сўраб Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда илтимос қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмаслигига оид таклифдан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг янги лойиҳасининг 716, 768, 778, 779-моддаларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2022 йил 21 апрелдаги №3/13-0635-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши амнистия актини қўллаш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

жиноят процессида амнистия актини қўллашнинг процессуал механизмлари, тартибига оид илмий хулосалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2020 йил 30 октябрдаги

6-сонли баённома билан тавсия этилган “Жиноят процессуал ҳуқуқи” дарслигида ўз ифодасини топган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ўқув жараёнида татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг далолатномаси). Ушбу нашр жиноят процессида амнистия актини қўллашнинг процессуал механизмларига доир назарий-методологик ёндашувларни ривожлантириш ҳамда таълим жараёнини услубий таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро, 12 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертацияда мавзуга оид 15 та илмий мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда, 12 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссияси томонидан рўйхатга олинган илмий журналларда ҳамда 1 та монография нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 3 та боб, 8 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 156 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **кириш** (диссертация аннотацияси) қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Амнистия институтининг юзага келиши, ривожланиши ва ҳуқуқий табиати”** деб номланиб, ушбу бобда амнистия ва авф этиш институтлари келиб чиқиш тарихи, бу тушунчани вужудга келиш сабаблари ва зарурати, дастлабки даврларда бу тушунчаларни қўллаш учун асослар ва манбалар, амнистия актлари ҳамда авфни шакллари, турлари, фарқлари унинг мақсад ва вазифалари тадқиқ қилинган.

Муаллиф амнистия институтининг юзага келиши, ривожланиши ва ҳуқуқий табиати ҳақида сўз юритиб, бу тушунчага оид олимлар (П.И.Люблинский, Х.Т.Маматов, П.С.Ромашкин, Э.Я.Немировский, И.В.Нестеренко, А.М.Татаренко, О.В.Левашова)нинг фикрларини таҳлил этган ва бу ўринда “амнистия”, “авф этиш” тушунчаларига муаллифлик таърифини берган.

Амнистия ва авф турли категориялар бўлганлиги боис олимлар амнистия ва авф категорияларининг ўртасидаги асосий фарқни уларнинг норматив характери билан боғлашган. Бироқ, айрим олимлар бунга қўшилмай (А.М.Балафендиев, К.Мирзаджановлар) амнистия норматив ҳужжатларга асосан давлат томонидан қўлланилган ташкилий чора-тадбирлар деб ҳисоблашган.

Амнистия акти ҳуқуқ тизимида ўзига хос институт бўлиб, у ўз мазмун–моҳиятига кўра, жиноят содир этган ёки жазони ўтаётган шахсларга нисбатан давлат томонидан кўрсатиладиган инсонпарварлик, мурувват ифодаси ҳисобланиши изоҳланган. Шу жиҳатдан олиб қараганда амнистия реабилитация, яъни оқлаш эмас, балки меҳр-шафқат кўрсатиш шакли эканлиги таъкидлаб ўтилган.

“Амнистия” тушунчаси лотинчадан олинган бўлиб, “унутиш”, “кечириш” деган маъноларни билдириши изоҳланган. Унда жиноят содир қилган шахсларни жинойий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, тайинланган жазони қисқартириш, тайинланган жазони енгилроғи билан алмаштириш, қўшимча жазодан озод қилиш, шунингдек илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганлик тамғасини олиб ташлаш кабилар тушунилиши белгиланган.

Амнистия тушунчаси: а) амнистия эълон қилинганидан олдин содир этилган жиноятга нисбатан келгусида жинойий таъқиб қилишни тақиқлашга ва айрим ҳолларда маълум бир шахслар ёки шахслар тоифаларига нисбатан фуқаролик процессининг таъқиқларига олиб келадиган қонуний чораларни назарда тутса; б) олдин белгиланган жинойий жавобгарлик бекор бўлишини аёнлаштириши изоҳлаб ўтилган.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, *амнистия акти “жиноят содир этган муайян тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлламаган ҳолда уларнинг ахлоқан тузаллиши учун имконият бериши ёхуд бундай чоралар қўлланилган шахслар ҳолатини енгиллаштиришидир”* деган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигида амнистия актини қўллаш асослари ва тартиби”**га бағишланган бўлиб, ушбу бобда жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш асослари ва тартибининг ўзига хос хусусиятлари, амнистия актини қўллаш билан боғлиқ ишларни судда кўриб чиқишнинг процессуал жиҳатлари, жиноят ишларининг юқори инстанция судларида кўрилишида амнистия актини қўллаш масалалари, амнистия акти қўлланиладиган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми каби масалалар таҳлил этилган.

Амнистия муайян жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган Жиноят қонунини бекор қилмасдан, суд ҳукмининг қарорлари асосли ва қонунийлигини шубҳа остига қўймасдан, шахсни жазодан ёки жинойий жавобгарликдан озод қилади, айбдорга тайинланган жазони енгилроғи билан алмаштиради ёхуд белгиланган муддатларни қисқартириши, шунингдек жазони ўтаганликнинг оқибати судланганликни бекор қилиши, авф этиш эса, суд ҳукми билан

озодликдан маҳрум этилган шахс (маҳкум)нинг илтимосномасига биноан унинг гуноҳидан кечиш эканлиги изоҳланган.

Ўзбекистоннинг 2008 йил 22 декабрдаги қонуни асосида Жиноят-процессуал кодексига ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини судлар томонидан қўллаш тартибини белгиловчи янги 63-боб киритилганлиги, ушбу қонун қабул қилингунга қадар амнистия актини қўллаш тартиби бирор-бир қонунда белгиланмаганлиги, бу эса мазкур актни қўллашда турли тушунмовчилик ва қийинчиликларни келтириб чиқарганлиги таҳлил қилинган.

Жиноят-процессуал кодексига киритилган 63-боб алоҳида тоифада кўриладиган ишлар турини яна биттага кўпайтирганлиги таъкидланган. Амнистия актини фақат судлар қўллаши ҳақидаги қонуннинг қонунда белгиланиши Ўзбекистон Конституциясининг моҳиятидан келиб чиқиши ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси самарадорлигини таъминлаганлиги изоҳланган.

Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш ҳам ўзига хос процессуал хусусиятлари – ишни судда кўришнинг соддалаштирилган тартиби ўрнатилганлиги; айбланувчи, судланувчининг аризасига асосан юритилиши; жиноят процесси мақсадлари билан узвий боғлиқ бўлган ўзига хос қўшимча мақсадларни ҳам қўзлаши; суд мажлисида кўриб чиқиш тартибига оид ўзига хос жиҳатлар ва бошқа хусусиятлар билан жиноят ишларини юритишнинг умумий тартибидан фарқланиши таҳлил қилинган.

Амнистия актини қўллашда қонунбузарликларга, суистеъмолликларга йўл қўймаслик, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказилмаслигини таъминлаш муҳим масала саналиши, бу борадаги вазифалардан бири прокуратура органлари зиммасида экани алоҳида таъкидланган. Парламент юқори палатасининг “Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарорини қўллаш тартиби ҳақидаги низомда “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори амнистия тўғрисидаги қарорнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни таъминлайди” деб белгилаб қўйилганлиги изоҳланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, жойлардаги прокурорлар томонидан мазкур низом, шунингдек, Бош прокурорнинг бу борадаги кўрсатмаси талабларининг тўлиқ ва белгиланган муддатда ижро этилишини таъминлаш устидан назорат олиб борилиши таъкидланган.

Муаллиф томонидан судда ишларни юритишда тортишув деб номланувчи ЖПКнинг 25-моддаси биринчи қисми “Биринчи инстанция судининг суд мажлисида, шунингдек ишлар юқори судларда кўрилаётганда иш юритиш тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида амалга оширилади.” мазмунидаги диспозициясида “тортишуви асосида” сўзларидан кейин “ярашув, амнистияни қўллаш ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлар бундан мустасно” сўзларини киритиш лозимлиги таклиф этилган.

Шунингдек, муаллиф томонидан судда ишларни юритишда тортишув деб номланувчи ЖПКнинг 25-моддаси 3-қисми “Биринчи инстанция судида иш юритиш фақат айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш

тўғрисидаги қарор мавжуд бўлганда бошланиши мумкин” диспозициясига қарор мавжуд бўлганда сўзларидан кейин “ярашув, амнистия актини қўллаш каби прокурор илтимосномалари билан келиб тушган ишларни” сўзларини киритиш таклиф қилинади. Чунки ярашув, амнистия актини қўллаш каби прокурор илтимосномаси ҳам биринчи инстанцияда кўриб чиқилиши лозимлиги таклиф этилган.

Муаллиф томонидан хусусий шикоят ва протестларни ҳал қилиш тартиби деб номланувчи 497¹⁵-моддасига 5-қисм қўшиб, апелляция инстанцияси суди хусусий шикоят (протест) бўйича ишни кўриш жараёнида ҳал қиладиган масалаларни баён қилиб улар ичида “биринчи инстанция судининг ажримини бекор қилишга ва амнистия актини қўллашга” сўзларини киритиш таклиф қилинган.

Муаллиф томонидан амнистия актини қўллашда албатта етказилган зарар қопланганлиги масаласини асосий мезон, шарт, талаб сифатида киритиш таклифи илгари сурилмоқда. Ушбу ҳолат амнистия актини қўллаш баробарида бузилган ҳуқуқларни тиклаш имкониятини кафолатлайди.

Диссертациянинг **“Жиноят процессида амнистия актини қўллаш механизмини такомиллаштиришда халқаро стандартлар ва хорижий тажрибадан фойдаланиш масалалари”** деб номланган учинчи бобида, жиноят процессида амнистия актини қўллашга доир халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка тадбиқ қилишнинг асосий йўналишлари, хорижий давлатларда амнистия актини қўллашга доир жиноят процессуал қонунчиликнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили масалари ўрганилган.

Муаллиф фикрича, қонунлар жиноят содир этган шахсга нисбатан ён беришга яъни амнистия, ярашув, келишув институтларини қўллашга ҳаракат қилсада, айрим ҳолатларда ушбу институтларни айниқса, амнистияни қўллаш миллий қонунчиликда чегараланган. Амнистиянинг миллий қонунчиликка мос бўлиши учун унинг қабул қилиниши расмий миллий қоидаларга мос бўлиши, адолат мезонларига риоя қилиниши талаб қилиниши изоҳланган. Агарда ушбу қоидаларга амал қилинмаса, судлар амнистияни қонуний деб ҳисоблаш ёки қонунчиликка тегишли ўзгартириш киритиш лозимлиги бўйича талаб қўйишга ҳақлилик, ваколатига эга бўлиши кераклиги таъкидланган.

Тадқиқот ишида амнистияга тушувчи жиноятлар турларини чегаралашнинг бир неча усуллари мавжудлиги таҳлил қилинган ва уларга қуйидагилар кириши изоҳланган:

- амнистия акти қўлланмайдиган аниқ жиноятлар турларини белгилаб олиш;
- оғир ва ўта оғир жиноятлар учун қисман амнистия имкониятларидан фойдаланиш;
- жиноятларнинг ҳамма турлари бўйича амнистия актини қўллаш фақат унинг тўлиқ ёки қисман қўллаш масаласини белгилаб олгандагина мумкинлиги.

Агарда жиноят содир этган шахс амнистия акти қўлланиладиган бир жиноятни ва амнистия акти қўлланмайдиган жиноятни содир этганда қисман амнистия акти қўлланилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Қисман амнистияни қўллашнинг ушбу тартибини Жиноят-процессуал кодексида киритиш мақсадга мувофиқлиги изоҳланган. Чунки амалда кўпгина ҳолатларда бир жиноят учун амнистия акти қўлланиш мумкин бўлиб, иккинчиси амнистия бериладиган жиноятлар туркумига кирмаса амнистия акти қўланмаслиги таъкидланган.

Тўлиқ ва қисман амнистиялар тушунчаси ва уларни қўллаш тартибларини алоҳида бир қонунда изоҳлаш лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Муаллиф фикрига кўра, вақтинчалик иммунитет тушунчасини Жиноят процессуал кодексига киритиш талаб қилиниши лозимлигини изоҳлаб ўтган. Амнистияни ҳам икки босқичдан иборатлиги яъни вақтинчалик ва доимий иммунитетдан келиб чиқиш, қўллаш масаласини қонунчиликка киритилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Амнистия актини қўллашнинг бир қатор ҳуқуқий оқибатлар мавжудлиги ва улар қуйидагиларда намоён бўлиши таҳлил қилинган:

- янги жиноий таъқибларни амалга оширишни олдини олиш;
- юритилаётган тергов ва суд ишларини тугатиш;
- эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинганларни озод қилиш;
- маҳбусларни озод қилиш;
- судланганликни олиб ташлаш;
- фуқаровий жавобгарликдан озод қилиш.

Фуқаровий жавобгарликдан озод қилиш масаласи муҳим бўлиб, унда мулкӣ зарарни маъмурий компенсациялар орқали қопланиши таъминлаш чораларини кўришни назарда тутати.

Тадқиқот жараёнида миллий қонунчилигимизга яқин бўлган Россия Федерацияси, Молдова, Белоруссия, Украина, Грузия ва Қозоғистон каби давлатлар тажрибаси ўрганилган.

Муаллиф томонидан миллий ЖПКга жорижий давлат тажрибаларига асосан қуйидаги нормани “Хорижий давлат судларининг қарорларини тан олиш ва ижро этиш” деб номланувчи янги боб киритиб, хорижий давлат суди қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш ҳақидаги илтимосномани кўриб чиқишда жазо белгилаш тартиби деб номланувчи моддага “Жазо ўтаётган ёхуд Ўзбекистон Республикасида мажбурий даволанаётган шахсга нисбатан чиқарилган хорижий давлат судининг қарори бекор бўлган ёки ўзгартирилган бўлса ёхуд хорижий давлат ёхуд Ўзбекистон Республикаси томонидан амнистия ёки авф қилиш акти чиқарилган бўлса, хорижий давлат суди қарорини қайта кўриб чиқиш натижаси бўйича чиқарилган қарор ижроси ҳамда амнистия ёки авф қилиш актини қўллаш масаласи ушбу Кодекс қоидалари асосида ҳал қилинади” мазмунидаги 9-қисм киритиш таклиф қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКга “Озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек, руҳий касалликка чалинган шахсларни мажбурий даволаш учун Ўзбекистон Республикаси томонидан бериш ва қабул қилиш масаласини ҳал этиш тартиби” деб номланувчи модда киритиб, унга қуйидаги мазмундаги қисмни киритиш таклиф қилинади “Башарти, Ўзбекистон Республикасида амнистия эълон қилинса, прокурорнинг

илтимосномасига биноан суд бериб юборилган шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш масаласини кўриб чиқади” деб белгиланиши таклиф қилинган.

Амнистия институти дунёнинг кўплаб мамлакатларида кенг қўлланилиши, ҳисоб-китобларга кўра, у МДХ мамлакатлари қонунчилигида, Франция, Португалия, Дания, Корея Республикаси, Туркия, Латвия, Литва, Руминия каби давлатлари қонунчилиги тадқиқ этилган.

Бу мамлакатларда амнистия қўллаш тажрибаси бир хил эмаслиги, баъзи давлатларда жиноятчиларга нисбатан кўпроқ, бошқаларида эса алоҳида ҳолатларда амнистия қўлланилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертант хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш натижасида ЖПКдаги нормаларни янада такомиллаштириш учун хорижий мамлакатга бериб юборилган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни тугатиш ёки ўзгартириш, суд ҳукмини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги хабарнома деб номланувчи модда ЖПКга киритиб, унга “Хорижий давлатга жазони ўташни давом эттириш ёки мажбурий даволаш учун бериб юборилган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси суди томонидан тайинланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тугатилган ёки ўзгартирилган, суд ҳукми бекор қилинган ёки ўзгартирилган, шунингдек уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасида амнистия акти ёки авф этиш қўлланилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хорижий давлатнинг ваколатли органига тегишли қарор нусхасини юборади” мазмунидаги биринчи қисм киритиш таклифларини илгари сурган.

Бундан ташқари тадқиқот доирасида амнистия актини жабрланувчининг розилиги билан яъни унга етказилган зарар тўлиқ қопланган ҳолатлардагина қўлланилиши лозимлиги таклиф қилинган. Ушбу ҳолат ҳозирда ЖКнинг 168, 167-моддаларига нисбатан тадбиқ қилинаётган бўлиб, ушбу тартибни барча амнистия институти қўлланиладиган моддаларга нисбатан тадбиқ қилиниши лозимлиги тавсия қилинган.

ХУЛОСА

Диссертация якунида қуйидаги назарий хулоса ва фикрлар ҳамда таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ деб топилди:

I. Жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясини ривожлантириш бўйича тавсиялар:

1. Фикримизча, *амнистия акти* - жиноят содир этган муайян тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари қўлламаган ҳолда уларнинг ахлоқан тузалиши учун имконият бериш ёхуд бундай чоралар қўлланилган шахслар ҳолатини енгиллаштиришга қаратилган процессуал институт.

2. *Тўлиқ амнистия* – шахснинг жиноий жавобгарликдан, маҳкумнинг асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан озод этилиши ёки маҳкум жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод этилиши ёхуд жиноят содир этган шахсдан судланганлик муддатидан илгари олиб ташланишини назарда тутати.

3. *Қисман амнистия* – маҳкумга тайинланган асосий ва ижро этилмаган

